

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Таълим тизимида
ижтимоий-гуманитар фанлар**

**Илмий-методологик ва илмий-услубий
журнал. 2002 йилда ташкил топган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

№4 2012

**Социально-гуманитарные
науки в системе образования**

**Научно – методологический и научно –
методический журнал. Основан в 2002 году**

Издается

4 раза в год

№4 2012

**Social sciences and the
Humanities in the system of education**

№4 2012

**Scientific, methodological and methodical
Journal. Established in 2002**

published quarterly

ФАЛСАФА

- Мухаммадиева О.Н.** Ўзбекистонда икки палатали парламентни 91
такомиллаштириш вазифалари.
- Нишонова Н.** Маҳаллий давлат бошқарувида хотин-қизлар фаолиятининг 93
хусусиятлари.

ОИЛА ВА ҲУҚУҚ

- Маҳкамова Н.** Ҳуқуқий маданият жамият тараққиётининг пойдевори. 97
- Жуманазарова Д.У.** Ота-оналаримиз оила таянчидир. 101
- Тўрақулова И.Х.** Мактабгача таълим муассасалари билан ота-оналар 104
ҳамкорлиги.
- Темиров Ф.** Бағрикенглик - баркамол авлод ва жамият тараққиётининг ҳал 106
қилувчи омилли.

ФИЛОЛОГИЯ

- Рўзибоева Ч.** Аслият ва таржиманинг айрим ўзига хос хусусиятлари. 109
- Абуллаева Ш.Н.** Инглиз, ўзбек ва рус тилларида газначилик атамаларининг 112
таснифи.
- Мўминова А.** Француз ва ўзбек тилларида директив модалликда буйрук, 115
тақиқ ва рухсат маънолари ифодаланишининг хусусиятлари.
- Палуанова Х.Д.** Экологик терминология ва терминлар тизими. 117
- Ачилова Р.Т.** Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари. 120
- Шорасулов С.С.** Ўзбекистон ишбилармонлик матбуотининг функционал 123
ўзига хослиги.
- Курасова Н.В.** А.Тарковскийнинг "Майли мени Винсент Ван-Гог кечирсин" 126
шеъри ҳақида.
- Хамраева Ё.Н.** Замонавий ўзбек адабий тили тезаурусини тузишнинг 129
долзарблиги ҳақида.
- Элмурадова Л.** Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик 132
майдон ядроси бирлигининг нутқий амалга ошиши.
- Қаландарова Д.А.** Моҳиятдан мавжудлик сари. 135
- Пардаева Д.** Мифология ва унинг Марказий Осиё насрида тутган ўрни. 140
- Бабаева С.Р.** Марк Твен ва Гофур Ғулом ижодида саёҳат мажбурий 142
дарбадарлик сифатида.
- Валиев Т. К.** Терминларнинг маъновий кўламига доир. 144

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК

- Хашимова С.Н., Атемкулова Д.А.** Иқтисодиётни модернизациялаш 148
шароитида Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти.
- Мирзаев Ф.Р.** Иқтисодий танглик шароитида корхона раҳбари ва мутахассислари 151
шахси шаклланишини моделлаштириш.
- Норунбоев О.Қ.** Банк персонали бошқарувининг самарадорлигини аниқлаш 154
услубияти.
- Мирзаев С.А.** Ўзбекистон нефть ва газ тармоғига замонавий технологияларнинг 160
жалб этилиши.
- Айсачев А.А.** Республика қишлоқ хўжалигининг иқтисодий тараққиётдаги ўрни. 162

Адабиётлар

1. Управление деятельностью коммерческого банка. –М.: Юрист, 2003.
2. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Бабынина Л.С. Экономика труда. –М.: Альфа-Пресс, 2007.
3. Ильина Л.О. Рынок труда управление человеческими ресурсами. –Ростов-на-Дону, 2008.

Мирзаев С.А., ТошДТУ

Ўзбекистон нефть ва газ тармоғига замонавий технологияларни жалб этилиши

В данной статье анализируется привлечение современных технологий в нефтяную и газовую отрасли Узбекистана.

This article is about the attracting of the modern technologies to oil and gas networks in Uzbekistan.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ўтган вақт мобайнида ижтимоий - иқтисодий тараққиётида улкан муваффақиятларга эришди. Шу ўринда нефть-газ саноати инфратузилмаси йил сайин ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатларига энергия манбалари етказиб берувчи давлатлардан бирига айланди. Мамлакатимизда нефть-газ саноати соҳасида яратилган қулай сармоявий муҳит кўплаб мамлакатларда катта кизиқиш уйғотиб, соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг ҳисоботида маълум қилинишига кўра, 2012 йилнинг биринчи чорагида энергетика ва нефть-газ маҳсулотларининг мамлакатимиз умумий экспорт ҳажмидаги улуши 33,6% ни ташкил этди. 2011 йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич 13,7% ни ташкил этган эди.

1998 йилда ташкил этилган «Ўзбекнефтгаз» Миллий Холдинг Компанияси Ўзбекистон нефть-газ комплексини монопол оператори ҳисобланади ва қатор акциядорлик компанияларини бирлаштиради. «Ўзбекнефтгазмаш» акциядорлик компанияси шулардан бири ҳисобланиб, мамлакат нефть-газ тармоғи эҳтиёжларини машинасозлик маҳсулотлари билан таъминлайди. Мазкур компания Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Ўзбекхиммаш заводи» ОАЖ бош корхонаси негизида ташкил этилиб, унинг фаолият турида асосан нефть-газ тармоғининг нефтгазкимё, нефть-газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, шунингдек нефть ва газ конлари учун асбоб – ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда биринчи марта «Ўзбекхиммаш заводи» ОАЖ томонидан Польшанинг «Фамет» компаниясининг технологияси бўйича ҳаво совутиш аппаратлари ишлаб чиқарилди ва булар Кўкдумалоқ қонидаги «Келлогг» компрессор станциясини модернизациялашда қўлланилди. Бундан ташқари «Шўртаннефтгаз» унитар

корхонаси учун пропан – бутан аралашмаси олинадиган қурилма учун ускуналар тайёрланди ва етказиб берилди. Мазкур акциядорлик компания таркибидаги корхоналарининг камдан кам учрайдиган техник имкониятлари, уларни Россия ва Германияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб – ускуналар билан жиҳозланганлиги билан белгиланади. Биргина 2010 йилнинг ўзида компания томонидан углеводород хомашёсини қайта ишлаш, нефть ва газ қудукларини бургилаш, углеводород хомашёсини қазиб олиш, технологик суюқликларни тортиб олиш учун мўлжалланган етти турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ўзлаштирилди.

«Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ислохотлар стратегиясини амалга оширилиши жараёнида, асосий эътибор, ёқилғи – энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш, республиканинг энергетика мустақиллигига эришишга қаратилган».

Ҳозирги кунда «Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон – Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш – монтаж ишлари қизғин паллага кирди».

«Нефтьгаз саноатида инновацион фаолият қазиб олиш тармоғида ва ташиб-узатиш соҳасида яхши ривожланган. Бунда Ўзбекистонни нефтьгаз саноатини устувор йўналишларида асосий эътибор углеводородларни қидириш, қазиб олиш ва ташиб-узатишга қаратилади.

Ўзбекистон ҳозирда газ ва газ конденсатларини экспорт қилиш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлар қаторига киради. Президентимиз Ислам Каримов 1990 йилда «янгидан очилган нефть конлари яқин вақт ичидаёқ нефть қазиб олишни 3 – 4 баробар кўпайтириш имконини беради» деб таъкидлаган эди. Келгусида нефть маҳсулотларини ҳам экспорт қилиш даражасига етказиш борасида бир қатор истиқболли режалар амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида айтиш лозимки, агар мамлакатимизда 1991 йилда 52,71 млн. тонна нефть қазиб олинган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 85 млн. тоннани ташкил этди, яъни нефтни қазиб олиш даражаси 60% дан ошди.

2012 йил 26-апрелда Тошкентда «Ўзбекнефтьгаз» МХК раҳбарияти билан Украинанинг «Суми машинасозлик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси» делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бунда томонлар компанияларнинг кўп йиллик алоқаларида, ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси нефть-газ тармоғида бир қатор лойиҳаларни амалга оширилганини таъкидлаб ўтишди. Хусусан, сўнгги бир неча йилда «Суми МИИЧБ» томонидан Памук ва Зеварда, Кўкдумалоқ конларида, «Охангарон» компрессор станцияси ва бошқа объектларда газни сиқадиган компрессор станцияларни қурилиши учун асбоб-ускуналар тайёрланди.

Бундан ташқари, Россиянинг «Қозон машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси» ОАЖ билан ҳамкорликда ҳар бирини қуввати 16 МВт га тенг иккита компрессор блоклари ишлаб чиқарилиши амалга оширилди. Бу компрессор блоklar Қозон шаҳрида ишлаб чиқариладиган «Волга» типидagi газсўргич агрегатлари учун мўлжалланган. Биргаликда ишлаб чиқарилган бу қурилма Ўзбекистон учун

тайёрланиб, “Шўртан” газни сикадиган компрессор станциясида ишлайди. Ушбу ускунанинг асосий вазифаси, пропан-бутан аралашмаси олинганидан сўнг газни босимини ошириш, кейин эса магистрал газ қувири орқали метан фракциясини жўнатиш қувватини кучайтиришдан иборат.

“Ўзбекнефтгаз” МХК 2012-2020 йиллар давомида умумий қиймати қарийб \$170 млн.ни ташкил этувчи бурғилаш қурилмалари ва сейсморазведка мажмуаларини сотиб олишни режалаштирди. Компания дала геофизикаси корхоналарини ва бурғилаш техникаси парқини технологик жихатдан қайта жиҳозлаш дастурини тасдиқлади. Углеводородлар захирасининг ўсишини янада барқарорлаштириш ва ошириш ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган ишончли хомашё базасини яратиш мақсадида компания “Ўзбекистон нефть-газ соҳасини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётида нефть ва газ тармоғининг салмоғи йил сайин ошиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур соҳага маҳаллий маблағлардан ташқари чет эл инвестицияларини жалб этилиши ҳажмини ўсиб бораётганини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим бўлади. Ушбу тармоққа замонавий технологияларни жалб этилиши натижасида газ ва газ конденсатини ҳажмини янада кўпайтириш ҳамда келгусида нефть қазиб олишни кескин ошириб, ундан олинадиган маҳсулотларни экспорт қилиш даражасига етказиш имконияти юзага келади.

Адабиётлар

1. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2012 йил 20-январь.
2. Икрамов М.А., Кўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув қўлланма. -Т.: Фофур Фулом, 2005.
3. Производственный менеджмент: Учебник для вузов. Под ред. Ильенковой С.Д. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
4. Ўзбекистон: жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. -Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.
5. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник, 2-е изд.,-М.: ЗАО Бизнес-школа Интел-Синтез, 2000.

Айсачев А.А., ТошДИУ

Республика қишлоқ хўжалигининг иқтисодий тараққиётдаги ўрни

В данной статье рассматривается место республиканского сельского хозяйства в развитии экономики.